

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ


**ШИФОКОР УРОЛОГНИНГ
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ**

Тошкент-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**ШИФОКР УРОЛОГНИНГ
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ
5A510117 – УРОЛОГИЯ**

“ ” даги — -сонли буйруғининг — иловаси билан
тасдиқланган



ТУЗУВЧИЛАР:


Ўзбекистон Республикаси согликни саклаш вазирлиги



МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар	4
1.1 .Ушбу малака тавсифи давлат меёрий хужжати бўлиб, қуидаги қонун, дастур ва қарорлар асосида ишлаб чиқилган:	
1.2. 5A510117 – Урология йўналишининг ушбу малака тавсифи давлат меёрий хужжати бўлиб, қуидагиларни белгилайди:	
1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган:	
1.4. Урология малака тавсифномаси ишлатилади:	
1.5. Врач-урологнинг касбий тайинланиши ва фаолият шароитлари.	
 2. Уролог шифокорига малака тафсифномаси	6
2.1. Врач уролог билими:	
2.2. Врач уролог кўникмаси:	
2.3. Асосий назарий билимлар Уролог билиши керак:	
 3. Ахоли саломлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикаси) урологнинг ўрни	7
3.1. Урологнинг мажбуриятлари:	
 4. Согликни сақлаш бирламчи тизимида қўрсатадиган тиббий ёрдам хажми	8
4.1. Кўрсатиладиган шошилинч тез ёрдам даражасига кўра уролог томонидан бажариладиган фаолият:	
4.2. Диагностика, даволаш, профилактика ва метофилактика тадбирларини ўтказиша кўзда тутилган касалликлар рўйхати	
 5.Уролог шифокори эга бўлиши шарт амалий кўникмалар.....	10
Уролог қуидаги амалий кўникмаларга эга бўлиши керак:	
 6. Врач урологнинг муносабатларига қўйилган талаблари.....	11
Беморларга нисбатан уролог томонидан қўрсатиладиган муносабат	
 7. Врач урологнинг узлуксиз касбий тайёргарлиги ва аттестацияси	12

Малака тавсифномаси тузилишида қуидаги хужжатлар билан ишланган:



1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлашнинг замон талабига мос тизимини яратишнинг муҳим устувор йуналишларидан бири, аҳолини юқори сифатли, кенг маънода ўз вақтида қўрсатиладиган урологик тиббий хизмат билан таъминлашдир. Шу мақсадда қишлоқ оиласиий поликлиникалари, туман ва шахар кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохоналари, вилоят кўп тармоқли марказий шифохона хамда Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт урология маркази маълум маънода кўпгина масалаларни ечимини топиш имконини беради. Хозирги вактда, айниқса туманлар кўп тармоқли поликлиникалари ва вилоят кўп трамоқли шифононаларда врач-уролог бевосита иштирок этувчи урологик хизмат тизимининг сифатини яхшилаш талаб этилади.

Врач-урологнинг ушбу малакавий тавсифи, хозирги замон талабларига жавоб берувчи малакали мутахассисни тайёрлашнинг асосий хужжатидир.

Ушбу “Малакавий тавсиф” врач-урологни тайёрлашга ва уни стандартлар асосида фаолият қўрсатишига замин сифатида тизимли талабларни қўяди.

1.1. Ушбу малака тавсифи давлат меёрий хужжати бўлиб, куйидаги қонун, дастур ва қарорлар асосида ишлаб чиқилган:


Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-637. 2020 йил, 23 сентябрь;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон карори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.02.2018-йил 125-сонли “Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини бошқариш ва ташкил этиш бўйича давлат талаблари” бўйруғи;

2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли



ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соглом турмуш тарзини қўллаб-куватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4063 – сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 125-сонли бўйруги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта маҳсус касб ҳунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 209-сонли бўйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сонли фармони.

1.2. 5A510117 – Урология йўниалишининг ушбу малака тавсифи давлат меёрий хужжати бўлиб, қўйидагиларни белгилайди:

- мутахассис врач-урологнинг касбий тайинланиши, фаолият шароитлари ва асосий холатларни;
- врач-урологнинг малакавий тавсифига бўлган талаблар;
- врач-урологнинг аттестациясига бўлган талаблар;
- врач-урологнинг олий тиббиёт муассасаларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув дастурларини стандартлаштириш оркали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида мутахассисни тайёрлаш сифатига маъсулиятни ошириш;



- врач-урологнинг амалий фаолиятини баҳолаш мезонларини.

1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган:

- тиббиёт олий ўқув юртлари ва уларнинг филиаллари;
- Соғликни саклашни бошкариш органлари;
- ушбу мутахассисни меҳнатидан фойдаланувчи вазирликлар, муассасалар;
- даволаш-профилактика муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ оиласий поликлиникалари, оиласий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, шифохоналар, тиббиёт марказлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт урология маркази);
- тиббиёт уюшмалари учун.

1.4. Урология малака тавсифномаси ишлатилади:


- ўқув режа ва дастурларни ишлаб чикиш жараёнида ушбу соҳа мутахассисига бўлган бугунги талаб ва келажақдаги талабни хисобга олишда;
- мутахассис тайёрлашни, қайта тайёрлашни, малакасини ошириш ва касбий фаолиятини таҳлил қилишда,
- Давлат имтихон ҳайъатини магистратура битирувчиларини якуний аттестациянинг мақсад ва вазифаларини аниқлашда;
- Олий ўқув муассасалари ва дипломдан кейинги тиббий таълим муассасаларида мос равишда давлат ўқув стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув режалари ва ишчи дастурларини тузиша;
- врач-урологнинг касбий фаолиятини баҳолаш ва мониторинг қилишда.

1.5. Врач-урологнинг касбий тайинланиши ва фаолият шароитлари.

Врач уролог – малакали тор мутахассис бўлиб, ахоли орасида урологик касалликларни ташхислаш, даволаш, профилактика ишларини ўтказишида зарур назарий ва амалий билимларга эга шахсdir;.

Врач уролог ахолини соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида ўз касбий фаолиятини Соғликни саклаш тизимининг ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида олиб боради:

- қишлоқ оиласий поликлиникалари, шаҳар оиласий поликлиникалари, кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг врач



уролог хонасида, шифохоналар, тиббиёт марказлари муассасаларининг қабул бўлимларида;

- Соғлиқни сақлаш тизимининг ташкилотларида олий тиббий маълумотли мутахассисларни кўзда тутилган лавозимларга мос равища;

- Соғлиқни сақлаш бошқармаси органлари, олий ва ўрта-маҳсус ўкув муассасаларида.

2. УРОЛОГ ШИФОКОРИГА МАЛАКА ТАФСИФНОМАСИ

2.1. Врач уролог билими:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлашни бошқариш, тиббиёт ходимларининг масъулияти, уларни хуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги қонунчилик асосларини, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий-хуқуқий актларини;

- Урологик касалликлар асосида ётувчи умумий биологик ва патологик жараёнларни сабаби, ривожланиш механизmlари, ва намоён бўлишини;


- Урологик касалликларни медикаментоз ва хирургик даволашнинг методологик асосларини **билиши лозим**.

2.2. Врач урологнинг кўникмаси:

- кўп тарқалган урологик касалликларни профилактика қилиш усуслари ва тамойилларини;
- касбий маҳорат билан касаллик ривожланиш тарихини йиғиш;
- лаборатор ва инструментал текшириш усуслари режасини “Халқаро стандартлар”га асосланган холда тузиш ва натижасини тахлил қилиш;
- хасталикларнинг халқаро таснифи (N 10) га асосланиб клиник ташхисни кўйиш;
- фавқулодда ва шошилинч тез ёрдам кўрсатиш;
- Урология соҳасига хос маҳсус муолажаларни ўтказиш;
- «Далилларга асосланган тиббиёт» нинг асосий тамойилларини амалиётда кўллаш.

2.3. Асосий назарий билимлар

Уролог билиши керак:



- рационал фармакотерапия ўтказиш учун далилларга асосланган медикаментоз терапия тамойилларини билиши ва ўтказилаётган фармакотерапияни самарадорлиги ва хавфсизлигини назорат қилишни;
- урологик касалликларни олдини олиш мақсадида профилактика ва метафилактика ишларини ўтказишни;
- тез ёрдамга муҳтож урологик касалликларга ўз вақтида сифатли консерватив ва жаррохлик ёрдамини кўрсатишни;
- урологик касалликларда режалаштирилган турли жаррохлик муолажаларини ўтказишни;
- малакавий тавсиф талабларига мувофиқ равища замонавий ташхислаш, госпиталгача бўлган тиббий ёрдам, даволаш ва реабилитация тадбирларини ўтказишни;
- Хисоб – китоб тиббий хужжатларни олиб боришни;
- Мутахассислик бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни.


3. АХОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ВА КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА (ПРОФИЛАКТИКАСИ) УРОЛОГНИНГ ЎРНИ

Врач уролог ишининг асосий йуналиши урологик касалликларни профилактика (сийдик тош касаллигига метафилактика хам) қилиш, эрта ташхислаш ва даволаш орқали ахоли соғлигини муҳофаза қилишдан иборат. Врач уролог ахолининг демографик тиббий-ижтимоий тавсифини билиши лозим.

Врач урологнинг қуйида келтирилган функционал мажбуриятлари рўйхати қишлоқ оиласидан поликлиникалари, шахар оиласидан поликлиникалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, шифохоналар, тиббиёт марказларининг врач уролог хоналари, хамда Республика Ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт урология марказида амалга оширилади.

3.1. Врач урологнинг мажбуриятлари:

- ахолининг тиббий маълумоти даражасини ошириш;
- соғлом турмуш тарзини амалиётга тадбик этиш;
- урологик касалликларини профилактикасига оид тадбирлар ўтказиш;
- урология масалалари бўйича консультация қилиш;
- урологик касалликларни эрта ташхислаш тадбирларини ўтказиш;
- урологик касалликларни даволаш ва уларни кечишини назорат қилиш;



- урологик касалликларда шошилинч тез ёрдам кўрсатиш;
- урологик касалликларни диспансеризация қилиш;
- дори воситаларини рационал кўллаш устидан назорат ўрнатиш;
- урологик касалликларни ТЭМК га юбориш, уларни ишга жойлашга, енгил ишга ўтказишга, санатор-курорт даволанишга кўрсатмаларни аниқлаш
- Ахолининг саломатлик кўрсаткичларини тахлил қилиш;
- Ижтимоий таъминот ва бошка хизмат органлари билан хамкорликда урологик bemorlar, ногиронлар ва кекса ёшлиларга ёрдам ташкил қилишда катнашиш;
- врач уролог ўзини хақ-хукуқини ва мажбуриятларини, ҳамда bemorlarning хукуқини билиши лозим.

5. СОҒЛИКНИ САҚЛАШ БИРЛАМЧИ ТИЗИМИДА КЎРСАТАДИГАН ТИББИЙ ЁРДАМ ХАЖМИ

Уролог шифокорининг малакали тиббий ёрдами қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кўп учрайдиган урологик касалликларни профилактика қилиш, эрта ташхислаш, госпиталга кадар ёрдамни ташкил қилиш, рационал даволаш, реабилитация ва диспансеризация қилиш.


Бундан ташкари, уролог мустақил ва компетент равишда зарур муолажалар ва лаборатор-инструментал текширишларни бажара олиши лозим. Зарурият тугилганда у текширишнинг мақсадли режасини тузиши, bemorlarни ихтисослашган тиббий ёрдам олиш учун тегишли мутахассисларга юбориши зарур.

2. Урологик касалликларнинг ўткир холатларида, ихтисослашган тиббий ёрдам талаб этилганда, эрта ташхис қўйиш ва кечиктирмасдан биринчи врачлик ёрдамини кўрсатиши лозим.

Шифохонада даволанаётган ва узоқ муддат соғлигини йўқотган bemorларда ўтказилаётган давони самарадорлигини ва хавфсизлигини баҳолаш.

4.1. Кўрсатиладиган шошилинч тез ёрдам даражасига кўра уролог томонидан бажариладиган фаолият:

- Буйрак санчиғи диагностикаси ва уни бартараф этишда биринчи тез ёрдам;
- Макрогематурияда (оғриқсиз ва оғриқлиқ) текширув тактикаси ва тез ёрдам;



- Буйрак ва сийдик йўллари жарохатида текширув услубарини тезкорлик ва самарали тартибда қўллаш ва тез ёрдам консерватив ёки оператив тактикасини қўллай билиш;
- Ўткир сийдик тутилиши (ишурия ва парадоксал ишурия)ни диагностикаси ва биринчи тез ёрдам – қовуқни катетерлаш ёки ПК цистостомия амалиётини бажариш;
- Ўткир буйрак етишмаслиги (постренал анурия) да текирав алгоритмини амалга ошириш ва ташхислаш, баринчи тез ёрдам сифатида буйрак найчаларини катетерлаш ёки ПК нефростомиясини амалга оширишга кўрсатма қўйиш;
- Асоратланган ўткир пиелоенфрит (шу катори хомиладорларда) ва ўткир простатит (Сепсис ва Септик шок) да текширув алгоритмини қисқа вақт ичидаги амалга ошириш ва биринчи тактик ёрдам хажмини кўрсатиш.


5.2. Диагностика, даволаш, профилактика ва метофилятика тадбирларини ўтказиша кўзда тутилган касалликлар рўйхати

- Сийдик ва таносил аъзолари ўткир ва сурункали носпецифик инфекцион касалликлари;
- Сийдик – тош касаллиги;
- Сийиш дисфункцияси;
- Сийдик ва таносил аъзолари жарохатлари;
- Сийдик ва таносил аъзолари тугма нуксонлари;
- Сийдик ва таносил аъзолари хавфсиз ва хавфли ўсмалари;
- Эркаклар бепуштлиги ва эректил дисфункция.


6. УРОЛОГ ШИФОКОРИ ЭГА БЎЛИШИ ШАРТ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР

Уролог вуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлиши керак:

1. Ўткир циститли bemorларда шикояти ва анамнези, лаборатор ва инструментал текширув натижаларини интерпретация қилиш.
2. Ўткир пиелонефритли bemorлар шикояти ва анамнези, ультратовуш текшируви (УТТ), ренгенолгик текшируви, клиник-биохимия тахлилларни интерпретация қилиш.
3. Бармоқ билан простата безини ректал текширувни (DRE) амалда бажариш.
4. Ўткир бактериал простатитли bemorлар шикояти ва анамнези, УТТ, сийдик тахлили ва бармоқ билан простата безини ректал текшируви



- (DRE) натижаларини интерпретация қилиш.
5. Эректил дисфункцияли беморларда эректил функция халқаро индекси (ЭФХИ-5) (МИЭФ-5) саволномасини интерпретация қилиш.
 6. Простатизм симптомлари бўлган беморларда IPSS ва BS (QoL) саволномаси орқали маълумотларни йифиш, обструктив ва ирритатив симптомларини интерпретация қилиш.
 7. Сурункали буйрак етишмаслиги (СБЕ) бўлган беморларда клиник-биохимия тахлилларини интерпретация қилиш.
 8. Хомиладор аёлларда буйрак ва сийдик йўллари УТТ натижаларини интерпретация қилиш.
 9. Буйраклар, юқори ва пастки сийдик йўлларини ультратовуш текширвани (УТТ) мустақил равишда ўтказиш ва суправезикал хамда инфравезикал обструкцияси бўлган ўткир холатларни аниқлай олиш.
 10. Сийдик-тош касаллиги (СТК) бўлган беморларни текшириш ва олиб бориш (клиник-биохимия, МСКТ (СТ) тахлилларини интерпретация қилиш, жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаларини танлаш.
 11. STAMEY-MEARES локализацион синамасини амалда бажариш.
 12. Урофлоуметрияни амалга ошириш ва олинган маълумотларни интерпретация қилиш.
 13. Уретроцистографияни амалга ошириш ва олинган маълумотларни интерпретация қилиш (юқорига йўналтирилган ва микцион).
 14. Сийдик чиқариш тизими жароҳатларида ноконтраст ва контрастли МСКТ (СТ) текширув натижаларини интерпретация қилиш.
 15. Юқори ва пастки сийдик йўллари аномалияларида МСКТ (СТ) ва МРТ (MRI) текширув натижаларини интерпретация қилиш.
 16. Сийдик қопини уретра орқали найдалаш (катетерлаш) (диагностика ва даволаш мақсадида).
 17. Антеград пиелоуретерографияни амалга ошириш.
 18. Вена орқали урографияни амалга ошириш ва унинг натижасини интерпретация қилиш.
 19. Уретроцистоскопияни амалга ошириш.
 20. Цистостомик дренаж найдани алмаштириш.
 21. Нефростома дренаж найдани алмаштириш.
 22. Меатотомия операцияси.
 23. Чов канали орқали уруғ тизимча венасини бойлаш (Варикоцеле хасталигига)
 24. Бергман операцияси
 25. Винкельман операцияси
 26. Эпицистостомия операцияси.



27. Эпицистолитостомия операцияси.
28. Орхидэктомия операцияси.
29. ПК цистостомия операцияси.
30. ПК Нефростомия операцияси (2-3 даражали гидронефрозда).

6. ВРАЧ УРОЛОГНИНГ МУНОСАБАТЛАРИГА ҚҰЙИЛГАН ТАЛАБЛАРИ

Беморларга нисбатан врач уролог томонидан күрсатыладын муносабат

- Врач деонтологияси;
- Врачлик сирини сақлаш;
- Бемор ва уни оила аъзоларига ахборот ва соғлом турмуш тарзи тұғрисида маслахат бериш;
- Сурункали bemorlar устидан динамик назорат үрнатыш;
- Рационал тиббий аралашув;
- Урологик касаллукларни эрта ташхислаш ва хавф омилларини аниклаш;
- Шифохонагача ташхислаш;

Хамкаслар билан коллегиал муносабат үрнатыш

- Мехнатни ташкил қилиш;
 - Бошка муассаса ходимлари билан муносабат;
- Консультантларни жалб қилиш.


Врач уролог малакасини такомиллаштириш

- Замонавий ташхислаш ва даволаш усулларини эгаллаш;
- Хужжатлар ва хисоботни тұғри олиб бориши;
- Касбий үқувни давом эттириш;
- Компьютер ва интернет билан ишлаш, инглиз тилини билиш;
- Иш вақти ва ташкил қилиш менеджментини амалиёттегі татбиқ қилиш.

7. ВРАЧ УРОЛОГНИНГ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ВА АТТЕСТАЦИЯСИ

Врач уролог мунтазам үзини таълимлаш орқали касбий билим ва кўнималарини узлуксиз равища тақомиллаштириши зарур.

Врач урологлар олий тиббиёт үкув даргохлари, малака ошириш



институтларида сертификат ваёки гувохнома олиб ўқишилари мумкин. Врач урологлар Соғлиқни сақлаш бошқармаси ёки халқаро ташкилотлар томонидан туман, вилоят ва республика миқёсида ташкил қилинган қисқа муддатли ўкув курслари ва семинарларда қатнашишлари лозим.

Врач уролог кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш мақсадида хар йиллик ишини аудит қилиб, долзарб муаммолар юзасидан лойиха тузади ва унинг натижасини даволаш кенгашида мухокама қиласди. Врач уролог хар йили ахоли соғлигини муҳофаза қилиш йўлида амалга оширган ишлари ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари тўғрисида хисобот тайёрлаши шарт.

Врач уролог доимий равишида Республика ва Халқаро Симпозиум, Конгресс, Съезд ва Мастер-классларда фаол катнашиши, янги, исботланган илмий натижаларни амалиётига тадбик қилиб бориши шарт. Хар 5 йилда врач уролог ўзининг малакасини тасдиқлаш учун соҳага таалуқли аттестация имтихонини топшириши талаб этилади.

Малака тавсифномасини тузишда қўйидаги ҳужжатлар билан ишланган:

1. Ўзбекитсон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 12 августдаги 209 сонли бўйруғи.
3. 510000 – Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг давлат таълим стандарти.
4. Россия Федерацияси врач-терапевт касбий стандарти.
5. 5a510117 – урология магистратура мутахассислиги малака талаблари.

Тузувчилар:

Акилов Ф.А.

ТТА урология кафедраси мудри,
т.ф.д., Профессор.

Гиясов Ш.И.

ТТА урология кафедраси магистратура
дастури директори, т.ф.д., Доцент.